

Mustahkam oila - yurt tayanchi

ОИЛА ДАВРАСИДА

№ 5-6
(403-404)
19-mart
payshanba

www.od-press.uz

ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqa boshlagan.

НАВРЎЗ

«Бобурнома»да
нима дейилган?

4-бет

ТИЛГА ҲУРМАТ

паспортдаги
исмдан
бошланади...

5-бет



КОРОНАВИРУС

ВАҲИМА ёКИ ЭҲТИЁТКОРЛИК

2-3-бетлар

ДИПЛОМ

«УрдУ»даги
ЎИИНлар

унинг «режиссёри»
ким?

6-бет

ФАРЗАНД —
КЎЗГУ

Унда кимни кўряпсиз?

12-бет

КАТТА ТЎЙГА
КАТТА ЖАРИМА

5-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил
учун **ОБУНА**

Обуна индекси — 193

ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Оила даврасида» — энг
арзон, энг қизиқарли ва
оилангизнинг ҳар бир аъзоси
учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз,
мулоҳазангиз, муносабатингиз билан
чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA' MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара
китоблар
ассортименти

ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

«**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 март куни маҳалла ва оила масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг бошида коронавирус муаммосига тўхталиб ўтди, дея хабар берди ЎЗА.**

Бугунги кунга келиб ушбу хавфли инфекция 160 дан ортиқ мамлакатда тарқалди. Дунё миқёсида касалланганлар сони 190 минг нафарга етди, 7,5 минг ўлим ҳолати қайд этилди, 81 мингдан зиёд бемор тузалди. Эпидемия кенг ёйилиб кетгани сабабли Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уни пандемия деб эълон қилди.

Минг афсуски, бу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда юртимизда унга чалинган беморлар сони 15 нафарга етди.

Бу вазият олдиндан тўғри баҳолалиб, Президентимиз топширигига мувофиқ Республика махсус комиссияси тузилган эди. Шу боис Ўзбекистонга касалликнинг оммавий кириб келиши ва кенг тарқалишининг олди олинди.

Ҳозирда 6 мингга яқин киши карантинга олинган. Одамлар гавжум жойларда оммавий тадбирлар чекланган. 16 мартдан бошлаб барча таълим даргоҳларида таътил эълон қилинди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда уйларида жўнатилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳокимлар раҳбарлигида махсус штаблар ташкил этилган. Эпидемиологик вазият бўйича ҳар соатлик ва кунлик маълумот таҳлил қилиниб, тезкор чоралар кўрилувчи.

Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Сихатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун бюджетдан зарур маблағлар ажратилди.

Хориждаги юртдошларимиз чартер авиарейслари орқали Ватанимизга қайтарилмоқда. Чегараларда ҳаракат чекланди, аммо транспортда юк ташиш тўхтатилгани йўқ. Мамлакатимизга қўплаб хорижий ва маҳаллий юк ташувчилар кирмоқда ҳамда чиқиб кетмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев вазият тўлиқ назорат остида эканини алоҳида таъкидлаб, халқимизга муурожаат қилди.

– Бу ҳаётнинг кўп оғир синовларини ва яхши-ёмон кунларини бошидан кечирган халқимиз ҳаммасини тўғри тушуниб, масалага онгли ёндашмоқда. Муфтият раҳбарлигида диний уламолар юртимизга тинчлик-хотиржамлик, беморларга шифо тилаб, дуои фотиҳалар қилишмоқда. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳаммамиз яқдилмиз ва, ишонамизки, бу қийинчиликлар, албатта, ўтиб кетади.

Бунинг учун **биринчи навбатда** шифокорлар тавсияларига амал қилиб, шахсий гигиена ва санитария қоидаларига ҳар биримиз ўз оиламиз, болаларимиз билан уйимизда, ишхо-

намизда ва борадиган жойларимизда қатъий амал қилишимиз зарур. Касалликни яширмасдан, ўз вақтида муурожаат қилиш унинг олдини олишда энг самарали чорадир.

Иккинчидан, озиқ-овқат ва бошқа кундалик истеъмол маҳсулотларининг нархи ошиб кетмаслиги учун барча чоралар кўрилувчи. Давлат солиқ кўмитаси, Бош прокуратура хузуридаги департамент бу борадаги ишларни кучайтириши керак.

Мамлакатимизда етарли даражада захира мавжуд, хавотир ёки ваҳимага тушишга ҳеч қандай асос йўқ. Аммо кўпга келган бу балога қарши ҳаммамиз биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишимиз лозим.

Барча давлат тузилмалари ва нодавлат ташкилотлар, муҳтарам нурунийларимиз, маҳалла ва хотин-қизлар, ёшлар бирлашмалари фаоллари оммавий ахборот восита-

«Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз коронавирусга қарши кураш фаолиятини ошқоралик тамойиллари асосида олиб боряпмиз».

лари орқали ҳолис ва ҳаққоний, кенг тушунтириш ишларини кучайтиришга ишонаман.

Учинчидан, мажбурий таътил пайтида фарзандларимиз ўқув машғулотларини давом эттиришлари учун Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда видеодарлар туркуми йўлга қўйилди.

Телерадиоканалларимиз ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун тарихимиз, бой маданиятимизга оид кўрсатув ва эшиттиришлар, ёшларимиз учун фойдали ва қизиқарли бадиий дастурлар, кинофильмларни кўпайтириши лозим.

Ҳурматли ота-оналаримиз ўз фарзандларини жаҳон ва миллий адабиётимизнинг энг ёрқин намуналари билан таништиришга ҳаракат қилсалар айни муддао бўларди.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги вазиятда айрим масъулиятсиз, ҳақиқий ҳолатдан беҳабар ва ўзини «пиар қилиш»ни яхши кўрадиган одамлар турли миш-миш ва уйдирмаларни тарқатишга уринади.

Шу муносабат билан жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима қайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим.

Азиз ватандошлар!

Коронавирус пандемиясининг бутун дунё мамлакатлари қатори биз-

нинг ҳам иктисодиётимизга салбий таъсири бўлиши табиий.

Сўнгги икки ҳафтада жаҳон бозорида нефтнинг нархи (*бир баррель 60 доллардан қарийб 30 долларга*) кескин пасайиб кетгани оқибатида газ экспортимиз тушумлари қисқариши мумкин.

Хориждаги асосий савдо ҳамкорларимизнинг миллий валюталари кадрсизланиши республикамизга ҳам, албатта, валюта тушумини камайтиради.

Хорижий туристлар сони ва тушум миқдори камайиши мумкин. Булар, табиийки, ялпи ички маҳсулот ва экспорт ҳажмига таъсир қилмасдан қолмайди.

Менинг топширигимга мувофиқ, Махсус ишчи гуруҳ туризм, транспорт, фармацевтика ва енгил саноат каби соҳаларга солиқ таътиллари бериш, кредитларни қайтариш муддатини кечиктириш, кечиктирилган ташқи қарздорлик учун жарима қўлламаслик тартибини жорий қилиш чораларини кўрмоқда.

Ҳукумат кийин аҳволга тушиши мумкин бўлган соҳа ва тармоқларни, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириши зарур.

Бу жараёнда, **аввало**, молия ва хомашё бозорида бекарорлик юзага келишига йўл қўймаслик лозим.

Иккинчидан, молиявий барқарорликни сақлаш ҳамда бозорларда нарх-наво ўсишининг олдини олиш зарур.

Учинчидан, иктисодиётимизнинг базавий ва хал қилувчи тармоқлари узлуксиз ишлашини сақлаб қолиш керак.

Бунинг учун ҳар бир тармоқ, корхона ва ҳудуд кесимида манзилли ва аниқ тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Тўртинчидан, марказдан ҳудудий бюджетларни ва аҳолимизни қўллаб-қувватлаш асосий вазифаларимиз бўлиши шарт.

Бутун халқимиз аниқ билиши керак: биз коронавирусга қарши кураш фаолиятини ошқоралик тамойиллари асосида олиб боряпмиз.

Жаҳон жамоатчилигини ҳам, халқимизни ҳам вақтида хабардор этиб боряпмиз. Керакли чораларни янада кучайтираемиз.

Бугун мен икки қўшни давлат – Қозоғистон ва Туркменистон раҳбарлари Қасим-Жомарт Тоқаев ҳамда Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилиб, бу борадаги ўзаро ҳамкорлик, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш борасидаги барча масалаларни келишиб олдик.

«Жамоатчилигимиздан илтимос қиламан: саросима ёки ваҳима қайфиятига берилмаслик керак. Матбуот ва ижтимоий тармоқларда нотўғри, асосланмаган маълумотларни тарқатишга йўл қўймаслигимиз зарур. Бу масалани ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳам алоҳида назоратга олиши лозим».

Кўпни кўрган халқимиз янада жипслашиб, аҳил ва ҳамжихат бўлиб, бу мураккаб синовларни ҳам енгиб ўтади, деб ишонаман.

Яна бир муҳим масалага барча мутасаддиларнинг эътиборини қаратмоқчиман.

Сўнгги йилларда санитария-эпидемиология масаласига жиддий аҳамият бермоқдамиз. Ҳозирда юртимизда 2 та республика даражасидаги шифохона, 14 та вилоят юқумли касалликлар шифохоналари, 216 та ҳудудий санитария-эпидемиология муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Бирок, кейинги 25 йил давомида умуман эътибор бермаганимиз учун ақсариятнинг моддий-техник базаси, айниқса, лабораторияси, тиббий анжом ва жихозлари ачинарли ҳолатга келиб қолгани ҳам айни ҳақиқатдир.

Шу сабабли, бугунги кунда республика санитария-эпидемиология хизматини тубдан ислох қилиш ва фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишчи гуруҳ томонидан алоҳида қарор лойиҳаси тайёрланмоқда.

Мазкур хизматнинг асосий фаолияти тиббий ва санитар барқарорлик, жамоат саломатлигини таъминлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини ташкил этишга қаратилган.

Бунинг учун вилоят ҳокимлари жойлардаги санитария-эпидемиология муассасаларини бирма-бир айланиб, лаборатория-диагностика, тиббий восита ва жихозлар билан таъминланганлик даражаси, кадрлар салоҳияти, ойлик маоши каби муаммоларни чуқур ўрганиши зарур.

Ички молиявий имкониятлар асосида уларни йил охирига қадар барта-раф этиш, захиралар шакллантириш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиб, бажариш лозим.

Бош вазир республика даражасида ва Тошкент шаҳридаги муассасаларни бирма-бир жойига чиқиб ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар қабул қилиниши ҳамда ижроси учун шахсан масъул бўлади.

Асосий масала – моддий-техник базани мустаҳкамлаш, кадрларни ўқитиш, илм-фанни ривожлантириш, аҳоли саломатлиги учун маблағни аямаслигимиз зарур.

ВАҲИМА ЁКИ ЭҲТИЁТКОРЛИК

Бизни нима қутқариб қолиши мумкинлигини биласизми?

Бутун дунёда коронавирус инфекциясининг тарқалиши катта тахдидга айланди. 15 март куни юртимизда ҳам ушбу касаллик юккан фуқаролар аниқланди.

18 март соат 21:00 ҳолатига кўра, мамлакатимизда коронавирус инфекцияси аниқланган беморлар сони 18 нафарга етди, дея хабар берди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жамоатчилик билан алоқалар бўлими. Беморларнинг аҳоли ҳозирча қониқарли бўлиб, шифокорлар томонидан стандартлар асосида даволаш муолажалари олиб борилмоқда.

Бош вазир Абдулла Аринов бошчилигида 15 март куни ўтказилган брифингда ушбу касаллик кенг тарқалиб кетмаслиги учун кўриладиган профилактик чора-тадбирлар айтиб ўтилди. Хусусан, мамлакатимизда турли оммавий тадбирлар, сайллар, ўйинлар бекор қилинди. 16 мартдан Ўзбекистон ҳудудига кириш ва чиқиш вақтинча тўхтатилди. Ўзбекистон фуқароларининг юртимизга олиб келиниши эса давом этади.

2020 йилнинг 16 март кунидан Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим муассасалари, жумладан, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртиларида (*давлат ва нодавлат бўлишидан қатъи назар*) таътил эълон қилинди. Бу таълим муассасаларида санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ҳамда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг соғлиғини химоялаш мақсадида эълон қилинди.

Коронавируснинг тарқалиши ва унга қарши кўрилатилган чоралар бўйича таълим муассасаларида амалга оширилатган ишлар юзасидан жамоатчиликда пайдо бўлган муҳим саволларга 17 март куни соҳа мутахассислари жавоб беришиди.
Хусусан, ўқувчиларнинг навбатдан ташқари таътилга чиқарилиши, таътил пайтини қандай ўтказиш, бу даврда мактаб маъмуриятининг вазифаси ҳақидаги саволларга халқ таълими вазири Шерзод ШЕРМАТОВ жавоб берди:

Ўқувчилар мазкур таътилни қандай ўтказали?

— Ўқувчиларнинг таътил пайтида билим олиши учун ўзбек ва рус тилларида видеодарс машғулотларини тайёрлаш ва уни тасвирга олиш бўйича соҳа ходимларидан иборат ташкилий-иждоий гуруҳ тузилди. Ҳозирда видеодарсларни тасвирга олиш ишлари бошланди. Видеодарслар тайёр бўлганидан кейин телевидение ва Халқ таълими вазирлигининг ижтимоий тармоқларидаги саҳифалари (@uzedu) ва расмий веб-сайтларида (www.uzedu.uz), электрон ахборот порталлари (Online maktab) орқали ҳам намойиш этиб борилади.

Видеодарслар тайёр бўлгунга қадар Халқ таълими вазирлиги ва Республика таълим маркази тажрибали ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчиларга таътил пайтида уйда мустақил тарзда таълим олишлари учун намунавий дарс тавсияларини ишлаб чиқди. Ҳозирда мазкур тавсиялар Халқ таълими вазирлигининг расмий сайтга (www.uzedu.uz) жойланмоқда.

Ўқитувчилар таътилга чиқалими?

— Махсус комиссия йиғилишининг қарори билан, умумий ўрта таълим муассасалари ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларга ўқувчилар учун кўшимча эълон қилинган таътил даврида навбатдан ташқари меҳнат таътили бериш имконияти яратилган.

2019/2020-ўқув йили учун режалаштирилган таътил (21 мартдан 27 мартгача) даврида кўзда тутилган педагогик юктамалар педагоглар томонидан ўрнатилган тартибда ойлик иш ҳақлари сақлаб қолинган ҳолда масофадан туриб бажарилиши мумкин бўлади.

Масофадан туриб ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда таълим муассасаси ва ташкилотларнинг бино ва иншоотларини самарали сақлаш ишларини мувофиқлаштириш мақсадида қуйидаги лавозимларда ишловчи ходимлар ўз фаолиятини иш жойида амалга оширади: директор, директор ўринбосарлари, хўжалик ишлари мудири, психолог, ёшлар етакчиси, фарош, қоровул.

Ота-оналардан яна бир нарсани илтимос қилган бўларди: имкон борича болаларимизни одамлар кўп йиғиладиган жойлардан химоя қилас, яхши бўлади. Шунингдек, фарзандларнинг онлайн дарсларни ўз вақтида ўзлаштириб боришларини назорат қилиш керак.

Бугуннинг энг муҳим саволларига мутахассислар жавоб берди



Олий таълим тизимидаги чора-тадбирлар ҳақида саволларга Олий ва ўрта-махсус таълим вазири Инъомжон МАЖИДОВ жавоб берди:

Контракт тўлаш муддати узайтириладими?

— Ҳозирча бунга эҳтиёж йўқ. Эҳтиёж бўлса, масала кўриб чиқилади.

ОТМ ўқитувчилари таътилга чиқалими?

— Ҳозирда уларнинг эллик фоизи таътилга чиқарилди. Қолганлари яна галма-галдан таътилга чиқарилиши назарда тутилган.

Талабалар нега вилоятларга жўнатиляпти? Улар орасида ҳам вирусга чалинганлар бўлиши мумкинми?

— 16 мартдан навбатдан ташқари таътил эълон қилинди. Таътилга чиқиш тартиби бор ва талабалар ўша белгиланган тартиб бўйича таътилга чиқади. Ҳозирги вазиятни талабаларнинг таътилга чиқариб юборилди дейилиши унчалик тўғри эмас. Уларнинг таътилга чиқишига кўмаклашиляпти.

Коронавирус инфекциясининг ўзига хос жиҳатлари ҳақидаги саволларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги Вазирлик санитария-эпидемиология назорати республика маркази бош шифокори Баҳром АЛИМАТОВ жавоб берди:

Ўзда касаллик аломатларини сезган киши нима қилиши керак?

— Фуқаро ўзда касаллик белгиларини сезса (*тана ҳароратининг ошиши, томоқ қуриши ва қуруқ йўтал ҳамда касаллик аниқланган фуқаролар билан мулоқотда бўлганлик*), телефон орқали шифокорга мурожаат қилиши зарур. Шифокор унга тиббий ёрдам этиб боргунича нима қилиши кераклиги ҳақида маслаҳат беради. Яъни унгача фуқаро никоҳ тақиб, оила аъзоларидан алоҳида ҳолда бўлиб туриши керак. Хонани тез-тез шамоллатиб, ўз буюмларини ажратиши керак. Шифокор этиб келгач, уни тегишли шифохонага олиб боради.

Фуқаро ўзини шу касалликка чалинмаганига ишончи ҳосил қилиши учун текширтириши мумкинми?

— Бу махсус тиббий текширувни талаб қилгани учун оддий ҳолатда унга ҳожат йўқ. Агар фуқарода касалликнинг бирон белгилари аниқланса ёки касалликда гумон қилинса, албатта текширув ўтказилади. Лекин барча фуқаролар одатдаги ҳолатда текширтирмоқчи бўлса, инфекциянист ҳамда терапевт шифокор кўригидан ўтиши мумкин.

Шу вирусга чалиниб тузалган кишилар яна вирусга чалинади?

— Бундай ҳолат амалиётда ҳали кузатилмаган.

Фуқароларнинг мазкур вирус хавфи пайтидаги саломатлик билан боғлиқ саволларига Вазирлик Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати Давлат инспекцияси раҳбари Нурмат ОТАБЕКОВ жавоб берди:

Касалликнинг илк берилиши нимадан иборат?

— Коронавирус касаллиги қуруқ йўтал клиник белгисига эга. Қуруқ йўтал оғиз бўшлиғининг қуриши билан боғлиқ. Демак, биз оғиз бўшлиғини ҳўл ҳолатда ушласак, ўша вирусни оғиз бўшлиғидаги тўқималар орқали ичкарига киришига йўл қўймаймиз. Оғиз ва бурнимизни тез-тез чайиб турадиган бўлсак, буни фақат фойдаси бор. Ошқозонга тушган вирус ошқозон кислотасида нобуд бўлади.

Вирусдан химояланиш учун нималар тавсия этилади?

— Юқумли касалликлар профилактикаси мақсадида антивирус дориларни ва антибиотикларни ичиш умуман тавсия этилмайди. Бу каби дориларни тавсия қилиш (*ҳар хил иммун тизимни кўтарадиган дорилар*) умуман нотўғри. Иммун тизимни кўтарадиган дорилар вирусга қарши ҳеч қандай таъсир кучига эга эмас.

Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган айрим даволаш усуллари умуман нотўғри. Сувга укеус аралаштириб ичиш оғиз бўшлиғини баттар яллиғлаши ва вирус кириш мумкин бўлган жойнинг пайдо бўлишига олиб келади. Саримсоқ пиёзни истеъмол қилиш мумкин. Лекин бир жиҳатга эътибор бериш керак. Саримсоқ пиёз бир вақтнинг ўзида ҳам антибактериал, ҳам антивирус препарат эмас. Шундай экан саримсоқниёзни бошқа кўкатлар билан аралаштирган ҳолда истеъмол қилиш мумкин.

Ўз тасдиғини топмаган ва номутахассислар томонидан билдирилган маълумотларга ишонмасликни сўраймиз.

Шу тизимда ишлаётган тиббиёт ходимларига кўшимча ҳақ тўланадими?

— Бу масала ҳозирда кўриб чиқияпти. У ҳақдаги батафсил маълумот кейинчалик эълон қилинади.

БУ - ДОЛЗАРБ

ОНА ТИЛИМИЗГА ҲУРМАТ

паспортдаги исм-фамилиямизни тўғрилашдан бошланади

«Танишларимдан бири шундай деб қолди: «Ўғлим синф ишида «xarid» сўзини «harid» тарзида ёзган экан, устозидан танбех эшитиб, паст баҳо олибди. Мен ҳам уни хато ёзганликда айблабман. Лекин афсуски, Навоий шахридаги деҳқон бозорларидан бирида «Haridingiz uchun rahmat» деб ёзилган миннатдорлик ёзувини кўрганимдан кейин ўғлимни ноҳақ ранжитганимни тушундим».

Ўйлабиди қолдим. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда жуда кўп жамоат жойлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталарида эътиборсизлик билан, саводсизларча ёзилган турли шiorларга, чақирикларга дуч келамиз. Энг ачинарлиси, эндигина саводини чиқараётган фарзандларимиз ўша хато ёзувларни кўриб, тўғри қабул қилади ва дарс жараёнида ҳам шундай ёзишга одатланади.

Бозорга йўлим тушди. Расталарни айланаман. Танишим ҳақ экан. Ёзилган аскарят сўзларда имло хатоликлар мавжуд. Жумладан: «guguch» сўзи «gugunch», «xarid» сўзи «harid», «daha» сўзи «daxa», «mahsulot» сўзи «maxsulot», «shoxobcha» сўзи «shahobcha» деб ёзилган.

Ўйлабиди қоласан киши. Наҳотки, «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилинганига 31 йил, «Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинганига эса 27 йил тўлган бўлса-ю, ханузгача барча жойларда хатоликларга дуч келаверамиз?!

Кўплаб дўконлар, тўлов шохобчаларида, баннерлар ўзбек ва инглиз тилларида, лотин ва кирилл алифболарида аралаш сўзлар билан ёзилган реклама ёзувларини кўриб, эсангиз қоатади.

Ҳозирги кунда янги фаолият бошлаётган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида

«МЫ ОТКРЫЛИСЬ» ёки «Аёллар ва эркеклар тикувхонаси» деган ёзувларга кунда ёхуд кун ора кўзимиз тушади. Улардаги маъно-мантани эса излаб тополмайсиз. Кўп бора таъкидланаётган яна бир гап: расмий ҳужжатимиз – фуқаролик паспортимиздаги фамилиялардаги хатоликларни гапирмаса ҳам бўлади. Аслида она тилимизга ҳурматни паспортимиздаги исм-фамилиямизни тўғрилашдан бошлашимиз керакка ўхшайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, болалар ёзганини эмас, кўрганини кўпроқ эслаб қолар экан.



Шундай экан, ҳар бир сўзнинг тўғри ёзилишига алоҳида эътибор қаратиш вақти келди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча шiorлар, пешлавлардаги хатоликлар бир хил. Бундан кўринадики, ушбу ёзувларни буюртмачиларга етказиб бераётган полиграфия корхоналари – босмаҳоналар фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ва бу хил хатоликлар юзага келса, уларга нисбатан қатъий чоралар кўриш шарт.

Абдували БҮРИЕВ,
журналист

НАВРҮЗНИНГ

«Наврўз байрамининг моҳияти азалдан умуминсонийлик ҳолатига йўғрилгани билан ажралиб туради. Бу байрам қанчалик қадимий бўлмасин, замонлар ўтган сайин инсоният қалбида шунчалик янгилашди, куч ва иштиёқ ўйғотди».

Айни вақтда, Наврўз ўзбекиона миллий кадрият-ларимизнинг бебаҳо намунаси. Қадим-қадимдан Наврўз умумхалқ байрами сифатида халқимиз ўртасида кенг нишонлаб келинади.

2009 йил 30 сентябрда Наврўз ЮНЕСКО тарафидан номоддий маданий мерос сифатида рўйхатга киритилди. 2010 йил 23 февралда эса БМТ Бош Ассамблеясининг 64-сессиясида 21 март – «Халқаро Наврўз кунини» деб эълон қилинди. Бундан, албатта, Марказий Осиё халқлари қалбида ифтихор туйғуси жўш ургани, шубҳасиз.

Дарҳақиқат, Наврўз шарқона янги йилнинг биринчи кунини сифатида Эрон, Турон замини, хозирги Озарбайжон ва Русиянинг туркий халқлари орасида кенг нишонланади. Бу байрамни ҳеч иккиланмасдан меҳр-оқибат, ширинсуханлик ва энг асосийси, бирдамлик байрами дейиш мумкин.

Марказий Осиё олимлари томонидан бу кутлуг байрамнинг қачон пайдо бўлгани хусусида турли мулоҳазалар билдирилган. Атоқли олим Ходи Зариф Наврўзи оламнинг ёши уч минг йилдан кўпдир, деб ёзади. Наврўз келиб чиқиши жиҳатидан «Авесто» замонида бориб тақалиши ҳам алоҳида қайд этилган. Х аср олими Наршах бухороликларнинг Наврўзи ва бу кунларда

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЖАРИМАНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТўЛАГАНГА

ЧЕГИРМА БЕЛГИЛАНДИ

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун Президент томонидан имзоланди. Жумлан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс жарима солиш тўғрисидаги қарорни исро этишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутувчи модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб 15 кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини

тўлашдан озод қилинади.

Соддалаштирилган тартиб қуйилади ҳолларда қўлланилмайди:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;
- жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;
- худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилганда.

Қонун расмий эълон қилинган (2020 йил 18 март) кундан эътиборан кучга кирди.

ТўЙ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН

ЖАРИМА МИҚДОРИ БЕЛГИЛАНДИ

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик учун жавобгарлиқни назарда тутувчи модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказувчи шахс томонидан мазкур тадбирларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик фуқароларга БХМнинг 10 баравари (2 млн. 230 минг сўм) миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар,

оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик БХМнинг 30 баравари (6 млн. 690 минг сўм) миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхона, кафе ва ресторанлар эгаси томонидан ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин 1 йил давомида такрор содир этилган бўлса, БХМнинг 50 баравари (11 млн. 150 минг сўм) миқдоридан жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур тартиб қонун расмий эълон қилинган (2020 йил 18 март) кундан эътиборан 3 ой ўтгач амалга киритилади.

БАҲОР

«Бобур ўзининг бетакрор ижод намуналарида баҳор, ёз, куз, қиш фаслларининг манзараларини ва киши руҳиятига, айниқса, ўзи каби ижодкор руҳиятига, ижодига таъсирини, шиддатини мароқ билан ёзган. Бироқ у ҳам бошқа шiorлар, адиблар каби ўзининг санъаткорлик тажрибаси асосида баҳор қалам аҳли учун шҳом чашмаси эканига, баҳор сайри, Наврўз байрами шодиёнаси, экин-тикин ва тирикчилик ишларининг ҳаётини ва поэтик тасвирига алоҳида диққат қилиб, ўзига хос тимсол ва тасвирлар, шеърлар яратган».

Бобур жаҳон маданияти хазинасига қўшган «Бобурнома»дек мухташам асарига баҳор манзараларини кузатиш, завқ шавқ, зўр иштиёқ билан тасвирлаш билан бирга, баҳор ва Наврўз байрами ҳақидаги айрим шеърларининг ёзилиш жараёнидан, тарихдан мухтасар тарзда воқиф этади, баҳорий манзаралар, лавҳалар билан китобхонни эринмай таништиради. Яъни, боғу боғотлари ўзгача, кенг экин майдонлари кўп юртларда баҳор, худуди дашту биёбондан ёки асосий ерлари тоғу даралардан иборат элларда баҳор, қадимий шахарлари қасаба, маҳалларда баҳор каби ўзгача тасвиру манзаралар билан ва уларнинг қиёсида маҳорат билан қўллаган «баҳори бисёр яхши бўлур», «баҳори хўб бўлур», «сейли яхши бўлур», «сабаву гуллар билан жаннат бўлур», «таърифида бир байте айтилиб эди» каби эътирофу хайратлари билан танишишимиз мумкин. Ёки асарнинг икки ўрнида лоланинг ўттиздан ортик турлари хусусида ҳам қимматли маълумотларни битгани ўқувчини лол қолдиради. Тақдир ишлари боис, у кўп юртларнинг баҳорини кўради. Таъкидлаш

ЯНГИ КУН, ЯНГИ ДАВРОНИНГ ТУБОРАК, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗНИНГ БЕБАҲО НАМУНАСИ

деҳқонлар айтадиган кўшиқлар ҳақида ёзаркан, бу гапларнинг бўлиб ўтганига уч минг йилдан кўп вақт ўтди, дея қайд этади. Абу Райхон Бериунининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Эрон, Сўғд ва хоразмликларнинг Наврўзни қандай ишонлашлари борасида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Унда қайд этилишича, бу куни Жамшид подшо бўлиб, тахтга ўтирган. Ҳикоя қилинишича, у ўзига шохона тахт ясаптириб, бошига тож кийганча, тахтга чиққанида, шу пайт кўш ҳар галгидан ёркинрок нур соча бошлабди. Офтобнинг заррин нурлари Жамшиднинг тож-тахтини мунаввар қилибди. Бизда Наврўз Сиёвуш авлодларининг бу ҳудудга кўчиб келиб ўрнаша бошлаган даврдан бери нишонланиб келинган. Алломанинг бу маълумотига эътибор берадиган бўлсак, демак, минтақамизда Наврўз Зардушт ибн Сафиддан минг йил аввал нишонлана бошланганини англаш мумкин.

Баъзи удумларга кўра, қадимда Наврўз қирадиган хун арафасида бир идишга ҳар хил мева ҳамда ўзбўйгуллари солиб, хоннинг олдида бориб: «Эртага Наврўз қиради, шуни халққа маълум қилишга



— Сумалакдан тотиб кўрайлик...

ижозат беринг», дейишган. Хон ижозат бергач, жарчилар «Наврўз кирди!» деб одамларни байрамдан дараклаганлар. Одамлар Наврўз куни пайдо бўлган камалакка сув сепганлар. Бу одат ҳозир ҳам сақланиб қолган.

Наврўз шодиёналарига ҳамоҳанг тарзда неча минг йилдирки, сумалак сайиллари ҳам давом

этиб келади. Бирок Шўролар даврининг 70-80-йилларида сумалак сайли эскилик саркити сифатида қораланиб келинди. Ҳатто комфирка яловбардорлари тазийки билан маҳаллаларда сумалак тайёрлаш, байрамни нишонлаш қаттиқ тақиқлаб қўйилди.

1990 йилдан бошлаб, Наврўз яна умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошлади. Бугунги кунда Наврўз нафақат бизда, балки Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам нишонлаб келиняпти.

Бу байрам халқни ўзаро яқинлик, бирдамлик, меҳр-оқибат сингари соф инсоний туйғуларнинг тараннум этилиши билан ҳам ажралиб туради. энг муҳими, узок кишдан омон-эсон чиққан кишиларнинг кўклардаги шодиёна кунлари учун бонс бўлган ушбу байрам ҳаммага қатта хурсандчилик улашиб келмоқда.

Бу йил Наврўз айёмини оиламиз даврасида жамулжам бўлиб ўтказишимизда ҳам ўзига хос ҳикмат бор аслида. Азиз фарзандларимиз, ота-онамиз, хонадонимизнинг ҳар бир аъзоси соғ-саломат, тинч ва хотиржам экан, ҳар бир кунимиз байрам каби ўтаверали.

Эрпўлат БАХТ

ВА НАВРЎЗ ТАЛҚИНИ

Бу ҳақда «Бобурнома»да нима дейилган?

жоизки, Бобур «Бобурнома»да баҳор фасли манзараларига кенг тўхталса-да, Наврўз байрамини эса бир ҳаётий лавҳада тилга олади-ки, бу ҳаётий лавҳа биз учун қимматли ҳисобланади. Бобурнинг баҳор фасли ҳақидаги хайратларининг баёни «Бобурнома»да дастлаб тасвирланган Ўш қасабаси тасвирида учрайди: «Яна бири Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарки-жанубий тарафидалур, шарққа мойил. Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суви фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур». Эки баҳор ҳақидаги ўта ҳаётий, жонли иккинчи тасвир қуйидагича: «Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу рудининг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамоғи боғлари рудка мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур...».

Бобур «Бобурнома»да баҳор фаслида уюштирган сайиллари ва чиққан сайру саёҳатлари билан боғлиқ ҳамда ошқона туйғулар ижтимоий кайфият билан уйғунлашган тасвирлар шарҳида баҳорни, Наврўз байрамини тараннум қилиб, байтлар, алоҳида ғазал ҳам ижод қилган. Бобур Наврўз байрамини асарнинг бир ўрнида тилга олган, яъни унинг Наврўз байрами ҳақидаги хабари ва лирик шеър «Бобурнома»да 1503-1504 йил воқеалари баёнида учрайди. Мазкур тасвирда Бобур Ийд билан Наврўз байрамининг кетма-кет келганига алоҳида урғу берар экан, бу хайрли ва хосиятли ҳолатдан илҳомланиб, 7 байтли янги бир кутлов ғазал ижод қилганидан хабар беради ва кутлов ғазалининг икки байтини «Бобурнома»да ёзиб қолдиради: «Ийди фитр эли... Ийд намозини Гўмал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдка ёвуқ келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазалини айтиб эрдим:

*Янги ой ёр юзи бирла кўруб ул шод байрамлар,
Манга юзу қошингдин айру байрам ойида амлар...*

*Юзи Наврўзи васли Ийдини, Бобур, ганимат тут –
Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзу байрамлар».*

Бобур асарида шу хайрли воқеалар таъсирида ёзган етти байтли кутлов ғазалини тўлиқ шаклда эмас, балки ғазалининг гўзал матла ва мақтасини беради ва ушбу ғазалда ўзининг кутлови ҳам берилганидан қандай кайфият билан бошлаб, қандай кайфият билан яқунлаганидан ҳам воқиф қилади, вақт ўтиб, ғазалининг тўлиқ матни «Девон»га киритилган, бизгача етиб келган.

«Бобурнома»да битган ушбу хабардан маълумки, ўзига бир олам, жаҳон излаб юрган шох ва шоир Бобур Ҳайит билан Наврўз байрамининг яқин келганини яхшилик аломати сифатида алоҳида таъкидлайдики, бу хайрли яқинлик ўзи учун, сафардаги ҳамроҳлари учун, укаси Жаҳонгир мирзо учун ҳамда сипоҳи ва беклари учун хурсандчиликка сабаб бўлади. Закий шоир гўзал бир кутловга йўғрилган ғазал ёзганини айтади. Байтларга эътибор қаратсак, янги ойдан, Ҳайит билан Наврўзнинг бир-бирига яқин келишидан умидвор Бобур гўё янгиача завқ, иқбол, саодат, давлат топгандек бўлиб, бу «ёвуқ»ликни яхшиликка, улугликка, давлатга менгайди. Янги ойдан, икки улуг кундан бугуни ва келажаги учун хайру баракани, фатҳ қалитини ушлаб қолишни, ғанимат билишни рамзий маънода ўзига, укаси Жаҳонгир мирзога, бекларига гўё амр этади ва у амр шеърини санъатининг гўзал намунасини яратган. Амр – бадий сўз санъатларидан бири. Ижодкорнинг ўқувчига қатъий насихати, буйруғи мазмунига эга бўлади. Янги ойдан, Ҳайитдан, Наврўз байрамидан кўп ёруғликлар, кўп имкониятлар кутаётган шох



ва шоир Бобур мазкур байтларда амр билан сўзида чекланиб қолмай, унга амал қилиш лозимлигига ҳам даъват қилади.

Хулоса шуки, даҳо сўз санъаткори мемуарда баҳор ва Наврўз ҳақида битган тасвирлару шеърларида Андижон баҳори, Наврўзнинг файзу тароватини ҳам эслаб, соғиниб, қиёслаб ёзганини сезиш мумкин.

Буробия РАЖАБОВА,
адабиётшунос оlima

УрДУдаги ҚАБУЛ «ҲИЙИНЛАРИ»

Унинг бош «режиссёри» ким?

«Нафсим менинг балодур, ёнар ўтга соладур» деган ибора бежиз айтилмаган. Афсуски, баъзан саркаш нафс нафақат ўз эгасини, балки чор-атрофдаги содда ва оми инсонларни ҳам бир олам муаммолар ўчоғига улоқтириб юбориши мумкин экан.

Янгиариқ туманидаги Остона қишлоғида яшовчи Насиба Қобилова 30-умумтаълим мактабида кутубхоначи бўлиб ишлар эди. 2019 йилнинг ёзида бу аёл ўз адашлари – 4-мактабнинг математика ўқитувчиси Насиба Машарипова ва Урганч давлат университетидида ишловчи яна бир Насиба исми аёл билан ҳамфикрликда олий ўқув юртига имтихон топшириб, омади чопмаган йигит-қизларни обдон ўрганишга тушади. Уларнинг ҳийласига учган илк одам остоналик Динара Раҳимова бўлди.

Урганч давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига кириш имтихонлари топшириб, етарлича балл тўплай олмагани сабаб, «йиқилган» Динара тасодифан Насиба Қобилонани учратиб қолади. Унинг омади чопмаганини эшитган Насиба УрДУда танишлари етарли экани ва унинг ўқишини махсус сиртки бўлимга тўғрилаб бериши мумкинлигини айтиб, аврайд бошлайди. Унинг бу гапларига лакка ишонган Динара дарҳол қайнонаси Орузгул опани қистай бошлайди. Орузгул Кутлимуротова Насиба Қобилова билан учрашади.

– Насиба менга Олий таълим вазирлиги ва УрДУда танишлари борлиги ва йиқилган талабаларни махсус сиртки бўлимга шартнома асосида талабаликка тўғрилаш мумкинлигини айтгач, сарф-харажатлари учун 1000 АҚШ доллари беришимни талаб қилди. Мен унга сарф-харажатлари ростдан ҳам кўп бўлса керак деб айтилган пулни бердим, – дейди Орузгул опа.

Узоқ йиллар муаллимлик қилиб нафақага чиқкан Орузгул опанинг соддалигини кўргач Насиба Қобилонанинг қувлиги баттар ошади.

«Махсус сирткига ўқишини тўғриламочки бўлганлар бўлса, бемалол, менга учрашаверсин, ҳаммасини аъло даражада ҳал қилиб бераман», дейди у фурсатдан фойдаланиб. Унинг бу гапига чиппачин ишонган Орузгул опа УрДУнинг мактабгача таълим йўналишига имтихон топшириб, 53 балл тўплаган қизи Зулхумор Кўчқорова ҳақида сўз очади. «Мактабгача таълим йўналиши сал муаммолроқ, шунинг учун 1200 АҚШ доллари берасиз», дея туриб олади Насиба Қобилова.

– Насиба билан галдаги учрашувимиз УрДУнинг бош бидоги учрашувидек кечди. Мен унга қизимнинг ўқишини тўғрилаш учун айтилган 1200 доллари бердим, – дея гурун қилади Орузгул опа. – Бу пулни бераётганимда пора деб бермаганман, чунки Насиба сарф-харажатлар ниҳоятда кўплигини айтиб, мени ишонтирганди...

Кимсан, оддий бир мактаб кутубхоначисининг вазирлик ва УрДУда таниши борлиги ҳақидаги гап бир зумда овулга ёйилди. Қарабсизки, унинг эшигини тақиллатиб, ёрдам сўраб келувчилар сони кун сайин орта бошлади. Янгиариқнинг Остона қишлоғида яшовчи Гуломжон ва Зафарбек Раҳимовлар ҳам бу аёлга

ишониб чув тушди. Насибанинг бу билан нафси конмади. Ўз «овини» яна давом эттираверди.

– Менинг ўғлим Нусратбек УрДУнинг экология факультетига имтихон топшириб, 49 балл тўплаб ўқишга



киролмаганини эшитган Насиба Қобилова вазирликда таниши борлиги ва грант асосида талабаликка қабул қилинишига ёрдам беришини айтиб қолди. Унинг сарф-харажатлар учун 2000 АҚШ доллари сўраганида, унга лакка ишониб берворибман-а, – дейди остоналик Зафарбек Раҳимов.

Насиба Қобиловадан «мада» тилаганлардан яна бири Гуломжон Раҳимовнинг ҳам ҳасрати осмонга ўрлайди...

– Орадан бир неча кун ўтгач ҳамқишлоқларини ишонтириш мақсадида Н.Қобилова «Болаларнингиз махсус сиртки бўлимга ўқишга қабул қилинди, шартномада кўрсатилган пулни тўлаб, ўқишни давом эттираверсинлар», дегач қувонганимиздан юрагимиз ёрилаётди, – дея эслайди Орузгул Кутлимуротова. – Биз унга ишониб контрактда белги-ланган пулни ҳам берибмиз. Насибанинг ўғли Фаррух Абдулаев онаси контрактга деб олган пулнинг банкка тўлангани ҳақидаги қвитанция ва ҳисоб варақасини келтириб берди. Ана шундан сўнг унга нисбатан янада ишончимиз ортди.

Аслида бу ишонч шунчаки сароб, ўткинчи бир қувонч ҳосиласи эди. Негаки, «сарф-харажатлар» учун дея Насиба Қобилова сўраган пулларни ҳеч иккиланмасдан қўшқўллаб берган фуқароларнинг фарзандларини УрДУ махсус сиртки бўлими на сессия, на синови-имтихонларга қақиртирмас эди. Бу эса ота-ониларда шубҳа уйғота бошлайди.

– «УрДУда ҳаммаси тўғрилаб қўйилган. Сизлар бемалол уйингизда ўтираверинлар. Сизларнинг номингиз талабалар рўйхатида мавжуд», деб бизнинг шаштимизни қайтармоқчи

бўлди Насиба, – дейди Зулхумор Кўчқорова. – Хатто, у УрДУнинг 1-курсиди таҳсил оляпти деган маълумотнома олиб, имзо ва муҳр босилган уч томонлама шартномани ҳам берди. Шунда ҳам кўнглим хотиржам бўлмагач, университетга ўзим бориб текширтсам, талабалар рўйхатида менинг исм-фамилиям йўқлиги маълум бўлди.

Хуллас, бунга ўхшаш ҳасрат-диёғ килувчилар бир талай. Биргина Янгиариқ ва Хива туманида бундай алдовлардан

қабул қилишга ёрдамлашини айтган эди. Қараса... шўрпешона йигит грант туғул супер контракт асосида ҳам талаба бўлолмаган экан.

Хўш, ҳеч қаерда номи қайд қилинмаган фуқарони икки-уч ой талабалар қаторида аудиторияга киритишга кимнинг ҳаққи бор? Унинг номини журналга қайд этиб боришдан мақсад нима эди?

Мана сизга қатор-қатор саволлар қарвони! Унга жавоб олиш ўз қасбининг устаси бўлган қонун посбони учун чўт эмас. Бироқ ажабланарли жиҳати шуки, Хоразм вилоятидаги энг нуфузли олийгоҳ саналган Урганч давлат университетидида назорат, интизом қаерга кетдики, оддий бир қишлоқ аёли унинг бош биносига кириб, одамлар ишончини қозониб, улардан пул ундириб турса!?

Ўқишини сиртки бўлимида ҳақ семестр, синов ва имтихон деган нарсалар бўлишини айтганимдан сўнг Насиба опа бизни УрДУга қақиримаётганини айтиди. Бордик, компьютер марказида онлайн тарзда тест олиб, реферат ёздиришган бўлди. Мен ўқибётганим тўғрисида маълумотнома сўраганим, буни ҳам «шесть секунд»да тўғрилаб беришди. Бу маълумотномани ўзим ишлаётган мактабга топширдим, ойлик маошимга устама қўшила бошлади. Ҳозир эса... ҳаммаси ёлгон экани маълум бўлгач, ўша устамаларни қайтариб тўлаб ўтирибман, – дея ҳасрат қилади Динара Раҳимова.

Дилмурод Омонов деган йигит эса УрДУнинг амалий математика ва информатика таълими йўналишига ўқишга кириш учун имтихон топширади ва 60 балл тўплайди. Табиийки, у балл билан талаба бўлиш осон эмас.

– Сенинг ўқишини суперконтракт тўғрилаб бераман, фақат бунинг учун сарф-харажатлари бор, деб Насиба Қобилова мендан 3000 АҚШ доллари олди. Университетга бордим ва 21 ноябргача ўқув машғулотларига катнадим. Ўша вақтда текширтсам, УрДУ бухгалтерияси менга берилган шартномага мувофиқ 9 млн. сўм ҳисоб рақамига тушганини айтишганди. Ноябрь ойи охирида исм-фамилиям талабалар рўйхатида йўқлигини билгач, пулни қайтариб олмоқчи бўлганимда бухгалтерия масъуллари фақат 3 млн. сўм. тўлагансан, деб туриб олди, – дейди Дилмурод Омонов.

Коррупция – жамиятни ич-ичдан емирувчи иллат экани аздалан маълум. Шу боисдан ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев унга қарши курашни қудалик вазифага айлантирмоқда. Бироқ, афсуски, Урганч давлат университети бу иллатга қарши курашиб, соғлом муҳитни яратиш уaldasидан чиқолмаётгани кўриниб турибди. Йўқса, жаноб ректор имзоси қўйилиб, туянинг кўзидек муҳр босилган шартномалар, талабалик тўғрисидаги маълумотномалар бу даргоҳга мутлақо бегона бўлган шахслар қўлига қандай тушар эди? Ачирарлиси шуки, бу олий ўқув юртида сохта диплом тайёрлаб берувчилар ҳам борлиги ҳақидаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинади. Университетда ишловчи ходимлардан бирининг тўрвасида 10-15 та исм-фамилия ёзилмасдан фақат имзо ва муҳр босилган дипломларни кўрган одамларнинг гапига ишонши-ишонмаслики ҳам билмайсан киши.

Қаердаки назорат, вийдон ва ҳаюллик тушунчалари инкирозга учраса, ўша ерда коррупция, порохўрлик, қаллоблик ва фирибгарлик авж олади. Аслида Урганч давлат университети теварғида урчиган бу «қабул ўйинлари»нинг бош режиссёри ким? Қайси муттаҳам бу муаммоларни «парварнишлаб» баравж униб-ўсишига шароит яратиб бермоқда? Буни бизга қоронгу. Саволларга жавоб топиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъуллари гарданидаги юмуш. Биз фақат ҳақиқат қарор топишига ишонамиз, ҳолос.

Абдусалом МАРДИЕВ



Hurmatli vatandoshlar!

Ushbu yorqin bahor va yangilanish ayyomida Sizlarga ezgulik, mehr-muhabbat va oilaviy totuvlik tilab qolamiz! Xonadoningiz doimo quvonch va baxt-saodatga to'la bo'lsin!

Navro'z bayramingiz muborak bo'lsin!

Ipak Yo'li Banki



NAVRO'Z
muborak

Хизматлар лицензияланган.

**TURON
BANK**

Барқарорлик белгиси!

«Туронбанк» АТБ жамоаси жонажон халқимизни баҳор ва янгиланиш байрами Наврӯз айёми билан муборакбод этади!

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли кунларимиз бардавом бўлсин!

Байрам муносабати билан миялий ва хорижий валютада пластик карталарни таклиф этамиз



www.turonbank.uz

turonbank
 turonbankuz
 turonbank

99895 144-60-00

Хизматлар лицензияланган



«Электромагнит мослашув маркази»

давлат унитар корхонаси жамоаси

**Шарқ халқларининг тарихий,
миллий урф-одатлари уйғунлашган
қадимий айём – Наврўзи олам
билан Ўзбекистон аҳлини, юртимиз
меҳмонларини самимий муборакбод этади!
Оилаларга тотувлик, тинчлик ва
осойишталик тилаймиз.
Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!**



Барчага байрам қутлуғ бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.





O'ZBEKISTON
POCHTASI

«Ўзбекистон почтаси»

акциядорлик жамияти жамоаси



*Юртимиз равнақи, ободлиги, халқ манфаати
йўлида астойдил меҳнат қилаётган барча
Ватандошларимизни файзли ва шукуҳли байрам –
Наврўзи олам билан муборақбод этади!*

*Эзгулик элчиси, қут-барака ва
хайр-саховат айёми ҳар бир хонадонни
ёритиб, қалбларни доимо
нурафшон этишига тилакдошмиз!*



Наврўзи олам қутлуг бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.




«Ўзбектелеком»

акциядорлик компанияси Тошкент филиали жамоаси




Халқимизни яшариш ва янгиланиш
аёми, миллий байрамимиз —
Наврўзи олам билан муборакбод этади!

Диёримиз осмони мусаффо, халқимиз ҳаёти тинч ва тотув бўлсин!
Баҳорий кайфият хонадонларга хушнудлик, қувонч ва шодликлар олиб кирсин.
Дастурхонимиз доимо тўкин, қут-баракали бўлсин!



Наврўзи олам муборак,
азиз юртдошлар!



«Норинмахсуссувпудрат»

**масъулияти чекланган
жамияти жамоаси**

**Барча ҳамюртларимизни
Наврўз умумхалқ байрами билан
самимий қутлайди!**

**Кўклам элчиси бўлган
Наврўз юртимизга қут-барака,
дастурхонимизга
тўкин-сочинлик, халқимизга эса**

**олам-олам қувонч ва
шодликлар олиб келсин!**

**Наврўзи олам барчага
муборак бўлсин!**

« Ривоят қилишларича, бир она фарзанди тарбиясига қачон киришиши кераклиги хақида билиш учун донишманд олдига келибди. Аллома боланинг неча ёшга кирганини сўрабди ва олти ойлик бўлганини билиб онага хитоб қилибди: Сиз бола тарбиясида энг керак бўлган олти ойни бой берибсиз...

Ушбу ривоятдан англашиладики, бола тарбияси маълум бир ёшни талаб қилмайди, уни фарзанд дунёга келганидан бошлаш зарур. Йўқса, озгина вақтнинг бой берилиши, кичик эътиборсизлик ҳам кун келиб, катта афсус-надоматга олиб келиши мумкин. Бу масъулиятли иш айниқса ўғил бола тарбиясида икки қарра эътибор ва жавобгарликни талаб этади. Шу ўринда, ҳақли савол туғилади: ўғил бола тарбиясида кимнинг масъулияти устунроқ: отани ёки она?

Ўғил бола оилада аввало отанинг худки, юриш-туриши ва гап-сўзидан андоза олади. Аммо ота эрта-ю кеч ишда бўлиши, фарзандидаги камчиликларни сезмаслиги, унинг руҳиятида кечаётган ўзгаришларни илғамаслиги мумкин. Бирок ота — ўғил бола учун ҳақиқий идеал инсон. Фарзанд ҳар томонлама отасига ўхшашни, унинг ҳатти-ҳаракатларига тақлид қилишни бошлайди. Айнан, ўғил болаларнинг аёлга, онага бўлган муносабати ҳам отага боғлиқ. Агар фарзанд ўз отанинг онасига бўлган меҳр-мухаббатини, ҳурматини кўрса, унинг онгида аёлни эъзозлаш керак экан, деган ички туйғу шаклланади. Аксинча, аёлнинг ўрни йўқ, она камситилган оилада ўса ўғил бола ҳам атрофидагиларга, масалан, синфдош қизларга шундай муносабатда бўлади. Демак, ота — ўғил бола тарбиясининг асосий устуни ҳисобланади.

Иккинчи томон — она ҳам ўғил бола тарбиясида отадан кам роль ўйнамайди. Ота — ибрат кўзгуси бўлса, она — руҳий қувват соҳибасидир. Фарзандни, хоҳ у ўғил бола бўлсин, хоҳ қиз бола бўлсин, ҳеч зот оначалик яқиндан билмайди. Фарзанднинг характери, ички кечинмалари, ақлий ва жисмоний салоҳияти, руҳий ўзгаришларидан фақат она тўлақонли бохабар бўлади. Ўғил бола ичидаги сирларини дарҳол онасига айтишга ошिकाди, шунинг учун ҳар бир



ФАРЗАНД – СИЗГА ТУТИЛГАН

Сиз унда кимни кўряпсиз?

Ўғил болани тарбиялашда қандай хатога йўл қўймоқдамиз?



она фарзанди қалбига кулоқ солиши, унга вақт ажрата билиши зарур. Ўғли-сирларини ишониб айтди ми, демак унинг сўзларини ҳеч кимга «дастурхон қилиши» керак эмас. Агар ўғил бола онасига айтган сирини бошқа бировдан эшитгудек бўлса, дарҳол онасидан бир қадам ортга чекинади ва ишонч туйғуси сўна бошлайди.

«Бўлмағур гапни гапирма!», «Жим бўл!», «Сен аралашма!»... фарзандлар ота-онасидан шундай даққиларни тез-тез эшитади. Аслида ўғил бола мустақил фикрлай олиши, маълум муаммоларни шахсий фикри билан ҳал қила билиши болалик давридан шаклланади. Агар ота ёки она фарзанди нотўғри гапирганда жеркиб ташласа, унинг фикрларига эътиборсиз бўлса, у катта бўлгач ҳам мустақил қарор чиқаришга қийналадиган, омма олдига ўз фикрини баён қилишга истихоло қиладиган бўлиб қолади.

Болангиз уйдан чиқиб кетаётганда ва ўқишдан қайтганида қайфиятида қандай ўзгаришлар юз берганига ҳеч эътибор берганмисиз? Кўпинча «Ҳеч ким билан уришмадингми?»,

Нилуфар ГАФУРОВА,
психолог:

— *Одатда, ўғил болага онанинг меҳри ва эътибори асосий тарбия механизми ҳисобланади. Сабаби, ҳаётда онадан бошқа ҳеч ким ўғил болани руҳлантира олмайди, ҳеч ким ишонч бера олмайди. Ўғил бола тарбиясида она, аввало, нималарга эътибор қаратиши лозим?*

Биринчидан, она ўғли билан кўпроқ вақтини ўтказиши керак. Бутун кунининг ҳеч бўлмаса икки соатини фарзандига бағишлаши: у билан гаплашиши, ўзро фикр алмашиши, боласига мотивация берадиган сўзлар билан таъсир этиши, дилдан суҳбат қуриши лозим.

Иккинчидан, балоғат ёшидаги ўғил бола билан ота ёки она бозорлик қилиши жудаям муҳим. Ўғил бола бозорлик қандай қилиниши, қаердан савдо қилиши кераклиги, нарх-наво қанақа эканини билиши, пул сарфлаш санъатини эгаллаши зарур, чунки у келажакда оиланинг боши бўлади.

Учинчидан, фарзанднинг қизиқишларидан келиб чиқиб, спорт тўғрисида жалаб қилиши, ҳунарга ўргатиши, иқтидорини намойиш этишига шароит яратиши шарт. Боланинг онги кўзага ўхшайди, уни нима билан тўлдирсанг, эртага ўзинг шундан баҳраманд бўласан. Аввало, бола онгида бўшлиқ пайдо бўлмаслиги керак. Бўшлиқ пайдо бўлди ми, у ўзига ҳар қандай ҳолатни, энг ёмон, салбий иллатларни қақриб олади.

Тўртинчидан, фарзандга кундалик вақтни тақсимлашни ўргатиш керак. Боланинг кунлик тартиби бўлмаса, у вақтини бекорчи юмушларга сарфлашига одатланади. Бундан ташқари, психологлар таъкидлашадики, бола учун энг яхши эътибор — унга икки марта кўп пул ва икки марта кўп вақт сарфлаши. Уйда фарзандимизга дарс тайёрлаши, вақтини фойдали юмушларга сарфлаши учун шароит яратиш беришимиз керак.

Ўғил боланинг балоғатга етиш даври қийин кечади, бу пайтда онадан босиқлик, чидамлик талаб этилади. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш осон бўлмайди, бунда она фарзанднинг ички дунёсини ҳис қилиши, тушуниши керак. Маълум психологлардан бирининг таъкидлашича, ўсмир боланинг фикрини ота-она билганида эди, инфаркт бўларди, дея таъкидлаган. Балоғат ёшидаги болага яхши фикрлар ҳам, салбий фикрлар ҳам келиши мумкин, она буни тушуниши, фарзанднинг бўш вақтини тўғри тақсимлаши керак. Тарбияни эртанги кунга ташлаб бўлмайди, болалик даври кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, улар кўз олдингизда вояга етиб қолганини ҳам сезмайсиз. Японияда фарзанд тарбиясига оид «Учдан кейин кеч» деган нақл бор.

Демак, она айнан фарзанднинг болалик давридан бошлаб, унинг тарбияси билан жиддий шугулланиши шарт.

Ў ҚИҚМАТ

Отанинг қандайлигини ҳеч ким йўқлигида боласига қилган муомаласидан билиш мумкин.

Ден ПИРС

«Ўқитувчинг сенга қаттиқ гапирмадими?» сингари кераксиз саволлар билан унга юзлансангиз керак ҳойнаҳой. Мутахасссларнинг фикрича, бу бутунлай нотўғри. Бунинг ўрнига қандай фанлар ўтилгани, дарсда нималарни ўргангани хақида сўраш, ўғил боланинг атрофидаги дўстлари кимлар экани билан ҳам қизиқиб, дўст танлаш хақида керакли маслаҳатлар бериш зарур. Ўғил бола балоғат даврида жиззаки, тезда жаҳли чиқадиган бўлиб қолади.

Агар шу даврда у руҳсат берилмаган жойларга борса ёки қандайдир иллатга қўшилаётганини она сезгудай бўлса, дарров қаттиқ жазо усулини қўлламаслик, «даданга айтиб бераман», деб таҳдид қилмаслик керак. Аксинча, она фарзанднинг бу иши хато эканини, охири ёмонлик билан тугаганини ҳаётий ёмонлик билан тушунириши, отаси эса ўзининг болалик давлари хақида ўғли билан дилдан суҳбат қуриши зарур.

Афсуски, бундай вазиятда боланинг кулоқ солиши учун жисмоний куч ишлатадиган ота-оналар ҳам учрайди. Ана шундай йўл тутадиган ота-оналар ўз фарзандларини тўғри тарбия қиламан, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса бундай жисмоний кучни ишлатадиган ота-оналар ўзларининг ожизликларини намойиш этадилар, ўз фарзандлари билан тил топиша олмасликлари ифодаси бу.

КЎЗГУ

ХИҚМАТ

Болалар ҳеч қачон катталарга қулоқ солишмаган бўлишса ҳам, катталарга тақдир қилишда ҳеч қачон хато қилишмаган.

Жеймс БОЛДВИН

Шифокорлар айнан ана шундай воқеалардан сўнг болада руҳий касалликлар вужудга келишини таъкидлайди. Бу усулнинг яна бир салбий жиҳати шундаки, бундай вазиятларда бола ўзини камситилгандек ҳис этади, боланинг ўзига бўлган ишонч йўқолади, катталар олдида қўрқоқлик ҳисси пайдо бўлади, жаҳлдорлик каби салбий иллатларнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Абдурашид МАДРАҲИМОВ,
«Хидоя» ўрта махсус билим юрти
4-курс талабаси:

— Аллоҳ таоло ҳар бир бандадан ўзининг қўли остидаги аҳли-аёли ҳақида сўрайди. Эракк киши сўроқ-савол қилинадиган нарсалар ичида унинг фарзандлари ҳам бор. Агар фарзандлар солиҳ бўлсалар киши улар орқали дунё ва охирада манфаат кўради. Агар фарзандлари беъътибор бўлса ёки тарбиялашда, одоб беришда камчиликларга йўл қўйса, дунё ва охирада фарзандлари сабаб мушкул аҳволга тушиб қолади. Мана шу тарбия учун эракк билиши ва амалда қўллади керак бўлган одоблар Абдулазиз ибн Фатҳий ибн Саййид Надонинг «Исломиий одоблар энциклопедияси»да келтирилган:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Киши савоб умид қилиб, ўз аҳлига пулни сарфлаши учун садақадир» деганлар. Болаларига пулни сарфлашда ҳасислик ҳам қилмаслиги, исроф ҳам қилмаслиги лозим. Агар ҳасислик қиладиган бўлса, фарзандлари бошқалардан сўрагани ўрганган оладилар, агар исрофга йўл қўйса, болаларини ношукрлик, ҳеч нарсани қадрини билмаслик ва ўзбошимчалikka ўргатиб қўяди.

Баъзи инсонлар болаларига жуда ҳам беъътибор бўладилар, уларнинг хатоларини тўғридашга аҳамият ҳам бермайдилар. Бунга сабаб ота-оналардаги фарзандларимиз катта бўлганларида барча нарсани ўзлари ўрганиб олишди, хатоларини ҳам тўғрида олишди деган нотўғри фикрларидир. Агар болалар ёшлигидан нотўғри қилиқларга одатлансалар, вояга етганларидан кейин бу йўлдан уларни қайтариши вақти ўтиб кетган ва қийин масалага айланиб қолган бўлади.

Ота-она фарзандлари олдида уларга буғорадиган ва қайтарадиган ишларида ҳақиқий ва чиройли намуна бўлишлари керак. Чунки ота-она ўзлари айтган гапларининг тескарисини қилсалар, бу гапларининг қиймати бўлмайди. Тарбиянинг амалий эсиҳати тағ-туғи билан барбод бўлади.

Баъзи ота-оналар шошқалоқлик қилиб қўйиб, фарзандларини сўкиб, ўлим, касаллик ва бошқа нарсалар тилаб дуо қилиб қўйишади. Бу тўғри иш эмас, албатта. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ўзларингиз, болаларингиз ва молларингизни зиддига (сўкиб) дуо қилманглар. Аллоҳ таолонинг неъмат сўраладиган соатига мувофиқ келиб қолсангиз, дуоларингизни ижобат қилади» дедилар.



Баъзи ота-оналар ибрат қилиб кўрсатай деб, фарзандининг дўстларини унга нисбатан солиштиришни бошлашади. Дўстининг исмини келтириб, «Сен ундай бўлмайсан», «Палончидан ўрнат олсанг бўлмайдингми?» каби боланинг қулоғига ёқмайдиган сўзлар билан мурожаат қилишади. Афсуски, бу усул яхши натижа бермайди. Аксинча, фарзанд ўзини нуқсонлидек ҳис этади. Айрим ота-оналар айниқса ўғил болани ҳеч иккиланмай «Эшак, ит, хайвон...», «Бадбахт, каззоб, ярамас» каби ҳақоратга тўла сўзлар билан «сийлаб» туришади. Энди ўйлаб кўрингчи, фарзандингизни шу сўзлар билан бегона одам ҳақоратласа қандай аҳволга тушасиз? Ваҳоланки, у БЕГОНА... сиз эса ўз отаси, ўз онасиз-ку! Жаҳл чиққанда озғимиздан чиқиб кетадиган шу сўзлар фарзандимиз руҳиятини қанчалик ағдар-тўнтар қилишини билганимизда эди...

Фарзанд — бебаҳо неъмат, унинг тарбияси эса улкан масъулият демасқидир. Ота-онанинг вазифаси фақатгина фарзандни бу ёруғ дунёга келтириш эмас, балки халққа, Ватанга фойдаси тегадиган комил шахс, иймони мукамал солиҳ инсон қилиб тарбияламоқдир. Шундай экан, фарзанд дунёга келибдики, унинг тарбияси билан жиддий шугулланмоқ керак. Бугун ерга қандай уруғ қадасак, эртага шунга яраша ҳосил оламиз. Бугун фарзандимиз учун вақт ажратиб, унинг келажаги учун қайғурсак, кун келиб яхши ишларимиз давомчиси, халқ манфаатларининг химоячиси, ота-онанинг суянган тоғи улғайишига шубҳа йўқ.

Махфуза ПЎЛАТОВА

КИТОБ БУ – МЎЪЖИЗА

« Америка Қўшма Штатлари Марказий разведка бошқармаси бир машҳур адибнинг асарини 1957 йили Италияда чоп эттирди. Асар кўлэмаси океан ортига қандай қилиб етиб боргани ҳозиргача сир бўлиб колмоқда... »

«МЕНГА «НОБЕЛЬ» КЕРАК ЭМАС...»

Ҳар томонлама қатъий панжараланган бир мамлакатдан кимнингдир асари олиб чиқиб ётилиши ва ҳатто хорижда нашр этилишига ақл бовар қилмасди. Ҳар ҳолда бу иш муаллифнинг иштирокидан холи бўлмаганини ҳамма бирдай тахмин қилаётган эди.

Кўп ўтмай, ҳукумат бу ишга танқидчиларни жалб қилиб, романи «ўрганиш»га киришди. Натижа шу бўлдики, «асар давлат қурилиши моҳиятини бузиб кўрсатган» деб топилди. Ҳатто адабиётга умуман алоқаси йўқ мажлисларда ҳам нотиклар аввало шу асарни имкон борича қоралаб, сўнг бошқа масалаларга ўтишар эди. Шуниси хайратланарлики, ўша нотикларнинг аксарияти ўзлари бошлаб лойиқа бўлган асарни ўқиш у ёқда турсин, лоқал муқовасини ҳам кўришмаган эди.

«Ҳозир бу гаплар жуда ҳам ғайритабиий ва кулгили туюлиши мумкин. Лекин аслида худди шундай бўлган, — деб хотираларини давом эттиради филология фанлари доктори, профессор Санжар Содиқов. — Мен ўша пайтда 8-синфда ўқир эдим. Радиодан юқоридаги чиранишларни эшитиб, хайратдан ёкамни ушлаганиман».

Қутилмаганда айни шу асари учун маъзур муаллифга Нобель мукофоти берилиши эълон қилинди. Бундан саросимага тушиб қолган ҳукумат одамлари энди бошқача йўл тутти. Ўша пайтдаги мутасадди раҳбарлардан

бири бу масалага муносабатини шундай баён қилди: «Майли, истаса, муаллиф бориб Нобель мукофотини олсин, лекин бу ватанга қайтиб келишни ҳаёлига ҳам келтирмасин».

Бу узил-кесил қарор эди. Муаллиф олдида икки йўл турарди: ё ўз ватанидан ажралиб, Нобель мукофоти орқасидан келадиган бойлик ва шон-шухратга эришиш ёки ҳаммасидан воз кечиб, ватанда қолиш.

Асар муаллифи ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилди. Барча шон-шухрат ва бойликдан кечиб эришгани ўз ватанида шундай хўрликларга чидаб яшади. Ҳақорат хўрликлар, тухмату бўхтонлар ёзувчи ордан икки йил ўтар-ўтмас, оламдан кўз юмиши билан ҳам якун топмади. Асар яна ўттиз йилча нашр қилинмай қолди...

«Ватандан кетиш мен учун ўлим билан баробар», деб мактуб ёзган эди ўша пайтда асар муаллифи давлат раҳбарига.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидай, ўша пайтдаги мавжуд тузим емирилиши билан кўп тахжирларга учраган асар дунёнинг турли тилларида нашр этила бошлади. Шу воқеаларнинг гувоҳларидан бири — Санжар Содиқов асарни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилиб, ўзбек китобхонларига тақдим этар экан, асарнинг аянчли қисмати ҳақида юқоридаги маълумотларни ҳам баён қилган.

Бу бахтикор асар — машҳур рус ёзувчиси Борис Пастернакнинг «Доктор Живаго» романи эди.

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ИЛОН ЗАҲРИ

« Ҳовлига, ерга чиройли қилиб дастурхон ёзилган. Тандирдан янги узилган иссиқ нон ҳиди иштаҳани китиклайди. Заранг қосаларда сўт келтирилди. Кеча соғилган сугир сутининг устини қалин қаймоқ тутган.

Сут ҳиди боғот билан ёнғоқ шохи ўргасидаги чордевор қовақларида ин қурган илон боласини эътиборсиз қолдирмади. Қаламдеккина келадиган илонча ўрмалаганича, дастурхонга чиқиб олди. Ўтирганларни эти жимирлади. Фақатгина бу ҳолга Аппон бува эътибор бермади. У умрида бундан баттар вазиятга кўп бор дуч келган. Чол бўш қосани эпчилик билан қўлига олдида, унинг устига ёпиб қўйди. Илон боласи қоса остида кўринмай қолди.

«Қадимда отамдан эшитган эдим, уй илони безарар бўлади. Фақатгина улар сутни беҳад яхши кўради, шу важдан унда-бунда сутнинг хумори тутиб туради. Аслида илоннинг ризқ-насибаси далаларга сочилган», деди бобо.

Чол сўзини тугатиши ҳамон она илон судралиб қелиб қолди. Ҳойнаҳой, у боласини қидириб келган. Боласи ётган қосани айлана-айлана,

уни ўраганича бир нафасгина ётди. Назаримда, она илон қоса тағида боласи борлигини сезгани. Нонилж чол ҳадеганда қосани олавермагач, жуфтани ростлашга мажбур бўлди.

Барчанинг кўзи ола чипор илонда эди. Илон ўзига хос эпчилик билан дарахнинг шохидида савадга турган тоғорадаги қаймоқ томон борди-да унга ўрмалаб чиқди. Чол сездики, илон қаймоққа захар солиб улгурди, сўнгра кўздан йўқолди. У масаланинг бу тахлитда ҳал этилганини кўрдию, дарҳол қосани олди. Ичкаридан чиққан илон боласи онаси кетган томонга билтанганча сузрилиб кетди. Чол энди саваддаги қаймоқни тўкиб ташламоқчи бўлиб турганида, сира қутилмаган воқеа рўй берди. Боласи озод бўлганини кўрган она илон тағин дарах ёнида пайдо бўлди ва шохга осилган саваддаги захарланган қаймоқ тўла қосани тушириб юборди. Ерга тушган қоса чил-чил синди. Дастурхон атрофида ўтирганлар донг қотиб қолди.

Табиат қизик. Ҳаётда ҳеч қимга, ҳеч нарсасга бесабаб озор бермаслик керак. Олис Қизилқумдаги овулда содир бўлган ушбу ҳаётий воқеадан чиқадиган ҳулоса аслида шу ҳолос.

Улуғбек ЖУМАЕВ

Эълон
Тошкент шаҳар Сергели туман Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатга олинган (рўйхатдан ўтган рақами: 662355) «LAYLO BONU DIZAYN» оилавий корхонаси таъсисчиларининг 02.07.2019 й. даги қарорига асосан ТУГАТИЛАДИ. Шу муносабат билан даъволар Тошкент шаҳар Сергели тумани, Сўғдиёна кўчаси 78-уй манзилида 2 ой муддатда қабул қилинади.

ВАҲИМАДАН ХИЁНАТГАЧА БИР ҚАДАМ



Ўздан ҳам ваҳимаси ёмон бўлган коронавирус пандемияси мамлакатимизга кириб келди. Шу нарса аёнки, коронавирус каби ялпи хавфларга қарши кураш комплекс жараён бўлиши лозим. Бунда унинг барча турдаги салбий оқибатлари олдини олиш учун кенг қўламли ёндашув зарур. Жумладан, аҳоли орасида ваҳиманинг олдини олиш энг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралиши лозим бўлади. **Биз ўзгаларнинг хатоларидан, тарихда ваҳима туфайли келиб чиққан қатта йўқотишлардан зарур хулоса қилишимиз зарур.**

Душмандан кўрма, ваҳимадан кўрк, дейилади мақолларнинг бирида.

Ваҳима ўзи нима?

Шу ўринда ваҳима тўғрисида фанда қандай қараш мавжуд? Психологияга оид китобларда ваҳима – ҳис-туйғу ва кайфиятнинг бузилиши сифатида қаралади. Ваҳимада одамни асосиз кўрқув босади, киши нимадандир хавотирланиб, ҳадиксирайди, безовта бўлади, кўнгли гашланиб, ором йўқолади. Унга келажакда фалокат бўлиши муқаррардек, ўзи ёки яқинларининг ҳаёти хавф остида тургандек туюлади.

Бундай шароитда шахсда асосли, оқилона қарорлар қабул қилиш лаёқати чекланади.

Албатта, бу ҳолат фақат бизнинг мамлакатимизга хос десак, адолатдан бўлмайди. Зеро, коронавируснинг жаҳон миқёсидаги зарарлари ҳақида бир-бирдан мудхис хабарлар кўпайиб бораётган бир шароитда, кўплаб мамлакатларда бизда кеча кузатилиганига ўхшаш вазиятлар буй кўрсатмоқда.

Мазкур ҳолатни айрим мутахассислар инсоннинг қадимги давр ёки ўрта асрларда бўлиб ўтган пандемияларнинг

«генетик» асорати сифатида баҳолашди. Аммо биз XVIII-XIX асрда эмас, ҳатто XX асрда ҳам эмас, балки XXI асрда янаётаганимизни унутмаслигимиз керак.

Сўнгги юз йилликдаги инсониятнинг ўсиш кўрсаткичлари айнан тиббиётнинг тараққиёти эвазига инсоннинг умумий умр кўриш давомийлиги ортганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Ваҳима ва терроризм

Инсониятнинг турли касалликлар олдидаги тарихий кўрқув ҳисси, сўнгги асрда визуал ахборот воситалари ривожланиши билан янада «муштаҳкамланди», десак ҳам янглишмаган бўламиз. Жумладан, турли ялпи касаллиқлар ҳақидаги фильмлар кишиларнинг онг остига ўрнашиб қолиб, уларнинг олдидаги реал хавфни «охирзамон офати» даражасига олиб чиқиб қўяётгандек гўё.

Агар жиддий фактларга эътибор қаратадиган бўлсак, бугун бундан олдин кузатилган пандемиялардан кўра, анча камроқ хавф олдида турганимиз, яққол кўзга ташланади – 16 март ҳолатига мазкур касалликка чалинганлар ўртасида ўлим ҳолатлари 4 фоизга ҳам етмайди.

Бундан келиб чиқадики, коронавирус худди терроризмга ўхшаш эффект уйғотмоқда, яъни аслида терроризм ортдан кенг қўламли урушга нисбатан камроқ қурбонлар берилсада, лекин унинг оммавий ахборот воситаларидаги «довруғи» бутун дунёни ларзага солади. Ҳақиқий урушлар эса, у ёки бу «кайноқ нуктадаги вазият», деб ёритилади. Терроризмнинг ҳам асл мақсади шу – дунёни кўрқитиш. Шу туфайли Исроил бош вазири антитеррор технологиялари ёрдамида коронавирус тарқалишига қарши курашишни айтган бўлса, эҳтимолдан холи эмас.

Ахборот ва ижтимоий масъулият

Мазкур пандемия ҳали эпидемия босқичидаёқ, Швейцария Миллий телерадиокомпаниясининг Халқаро ахборот хизмати «бир томондан, биз ОАВ вакиллари аҳолини воқеалар ривожидан хабардор қилиб туришимиз керак, **бошқа томондан эса, ОАВ ёки оммавий коммуникация воситаларидаги «фаоллар» кўпроқ «лайк» йиғиш учун ваҳимани кучайтириши – ахлоқсизликдир»,** дея ёзган эди.

Хориждаги ўзбек аудиториясига мўлжалланган айрим деструктив ОАВ фуқароларимиздан бозор, савдо объектлардаги наватлар ҳақида фото ва видео материалларни жўнатишни сўраб мурожаат қилмоқда. Бундан нима муддаолиги аниқ. Улар яна бир бор ўзларининг ҳақиқий башарасини кўрсатмоқдалар ҳолос. Бундай фото ва видео материалларнинг тарқатилиши янада саросима ва ваҳиманинг тарқалишига хизмат қилади. Бу эса улар кутган ҳолат.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бирор бир касаллик кенг тарқалишида транспорт-коммуникацияларнинг ривожлангани ва инсонларнинг турли мақсадлардаги ҳаракатланиши энг муҳим омил бўлиб турибди. Бошқа томондан бу жараёнда инсонларнинг ўзларини қандай тутиши муҳим аҳамиятга эга.

Ваҳима – ярим касаллик

Мазкур вазиятда нафақат тиббиёт соҳаси балки инсон руҳиятини ўрганадиган социал психология мутахассислари катта саҳнага чиқиши лозим кўринади. Зеро, буюк бобоқалонимиз Ибн Сино айтганларидек, ваҳиманинг ўзи – ярим касалликдир. Хотиржамлик – ярим соғлиқдир. Сабр эса – шифонинг бошланишидир.

Албатта, кенг оммадан оддийгина қилиб, ўзини намунали тутишни сўраш, етарли бўлмаслиги мумкин. Чунки у бугун жуда катта ахборот босими остида қолган. Ана шундай шароитда социалогия, психология мутахассислари айнан ўша коммуникация воситалари орқали инсонларни ўзлари билмаган ҳолда ваҳимага берилиб, турли ҳаракатлардан тийилишга чақиритиш йўллари кўрсатиб, туришса айнаи муддао бўлар эди.

Кимлигимизни билдирадиган синов

Миллат ва мамлакат тарихида шундай кунлар бўладики, бу пайтда халқ ўзининг бир мақсад йўлида бирлаша олиш қобилиятини намоён эта олиши, қийинчиликларни мардонавор қарши олишга тайёрлигини кўрсатиб қўйиши лозим. Бунга ўхшаш вазиятларда албатта ташаббусни ўз кўлига оладиган қатлам бўлиши лозим. Бундай қатлам эса, мантикий равишда давлат хизматчилари бўлиши лозим. Зеро, улар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан, фидойилик билан бажариш билан бир қаторда, ана шундай халқ бошига оғир синов тушган пайтда жамиятда ўзини тутиши билан бошқаларга шахсий намуна кўрсатиши ва юсак ахлоқий қондаларга риоя қилиши лозим. Буни биздан кўра, бир неча минг баробар йирик хавф остида қолган Хитой тажрибаси исботлаб берди.

Жамиятнинг фаол қатламларини бирлаштирган нодавлат ташкилотлари эса, ўз навбатида, синовли кунларда халқимизнинг хотиржамликни сақлаб қолишида таянч бўлини бўлиши мақсада мувофиқ. Зеро, дўст кулфатда синалади.

Ҳар бир жамиятда бўлгани каби, бизнинг жамиятимиз ҳам қусурли шахслардан холи эмас, афсуски. Ана шундайларга қонунчилигимизда кўзда тутилган жазонинг муқаррарлигини эслатиб қўйиш ҳам халқимизнинг осойишталигини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Ҳар қандай ОАВ, ижтимоий тармоқнинг фаол фойдаланувчиси интернетга маълумот жойлар экан, бевосита ёки билвосита, умуман заррача миқдорда бўлса ҳам ваҳимага олиб келишга сабаб бўлмайди, деган саволни ўз олдида қўйиши лозим.

Ваҳима учун жавобгарлик

Миллий қонунчилигимизда ваҳима тарқатганлик учун тегишлича жиноий жавобгарлик мавжудлиги, ана шундай ҳаракатларни ўйлаб ёки ўйламай содир қилаётган шахсларни яна бир бор ҳушёрликка чақиритишга умид қиламиз.

Хусусан, аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш 44 млн. 600 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш 66 млн. 900 минг сўмдан 89 млн. 200 минг сўмгача миқдорда жарима ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар юқоридаги ҳаракатлар олдиндан тил бириктириб ёки бир гуруҳ шахслар томонидан; оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса, 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса ўрнида, шуни таъкидлашнинг истардики, биз ҳозир дуч келган ташвишлар ўтвб кетади, галвир сувдан кўтариладиган вақт келади... Ана шу вақт келганда, босиб ўтган йўлимизни нафақат ўзимиз, балки бизга юмшоқ қилиб айтгандай хайрихоҳ бўлмаган кучлар ҳам таҳлил қилади. Ўзбекистон халқи қийинчиликни қанчалик оқилона енгиб ўтди, деган савол юзага чиқади, ожиз жиҳатларимизни аниқлашга ҳаракат қилишади.

Аммо биз бу вазиятда халқимизнинг қадимдан шаклланиб келган донишмандлик хислатлари намоён бўлишига ишонамиз ва бу келажакда бизнинг хотиржамлигимизга раҳна солмоқчи бўлган ғаразғўйларга муносиб жавоб бўлиб хизмат қилади ҳамда зинҳор халқимизни оломонга айлантиришга жазм этмайдилар.

Худоёр МЕЛИЕВ,

Адлия вазирлиги масъул ходими

Нарх-наволар жамоатчилиқ кузатувиға олинди

Барчангизга маълум ҳукуматимиз томонидан коронавирус хавфи сабабли Республикаимизда карантин эълон қилинди. Ҳукуматимиз томонидан мазкур ҳолатда айрим ноинсоф тадбиркорларнинг нарх-навоини асосиз оширишига йўл қўймаслик бўйича Бош прокуратура хузуридаги департамент ҳам Давлат солиқ қўмитасига тегишли чора-тадбирларни белгилаш юзасидан топширик берилди.

Республикаимизда озиқ-овқат ва бошқа захиралар етарли даражада ғамланган, бу бўйича ҳеч қандай саросимага ўрин йўқ.

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан барча туман, шаҳарларда нарх-наволарни кузатиб борувчи жамоатчилик ишчи гуруҳлари шакллантирилиб, мазкур ишчи гуруҳларга Федерациянинг 600 нафардан ортик ходими жалб қилинди.

ЭСЛАТМА: агар сиз айрим инсофсиз тадбиркорлик субъектлари томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига гувоҳ бўлсангиз, Давлат солиқ қўмитасининг (71) 244-98-98 «Ишонч телефони» ёки қисқа «1198» рақамли Call-марказига, шунингдек, Федерациянинг «1091» қисқа рақамли ишонч телефониға мурожаат қилинг!

ALOQABANK

Navro'z

bayramingiz muborak
bo'lsin!

Ва ниҳоят!

Биз AloqaMobile иловасида **Cashback** тизимини ишга туширдик!

Энди иловамиз орқали тўловларни амалга оширганингизда, сизга баллар берилади! Уларни картангизга сўм куринишида ўтказишингиз ёки хизматларга тўловни амалга оширишингиз мумкин. Бир балл 1 сўмга тенг!

Cashback кўйидаги тарзда ҳисобланади:

- Картадан картага пул ўтказишда сиз ҳар 2000 сўм учун 1 баллга эга бўласиз.
- Кредитга тўлов қилганингизда – ҳудди шундай тарзда ҳар 2000 сўм учун 1 балл берилади.
- Коммунал хизматларга тўлашда – ҳар 500 сўм учун 1 баллдан.
- Қолган барча тўловларда – ҳар 1000 сўм учун 5 баллга эга бўласиз.

Иловамиздан фойдаланиш ва маблағларингизни Cashback ёрдамида қайтариб олинг!
AloqaMobile билан маблағларингизни янада кўпайтириш имкониятидан фойдаланинг!

CASH
BACK



AloqaMobile Мобил дастури



Пластик карталарингизни
қулай тарзда бошқаринг;



300 дан ортиқ хизматлар
учун тўловлар ўтказиш;



Банкнинг онлайн хизматлари:
омонатлар, конверсия, микроқарз...



Маълумотлар:
валюта курслари, тўловлар мониторинги,
Push-хабарнома



App Store

Google Play



UZTELECOM



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси



*Жаннатмонанд юртимизда
истиқомат қиладиган барча
миллат ва элатларни баҳор ва
уйғониш айёми –
Наврўзи олам билан
самимий муборакбод этади!*

*Ҳар бир хонадонга тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака тилаймиз. Ўзбекистонимиз равнақиға
қўшаётган ҳиссанғиз бунданда зиёда бўлсин!*

Наврўз айёми қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!

Хизматлар лицензияланган.

OILA
DAVRASIDA
Ilmoly-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
таҳририяти масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот таркатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алокабанк».

Газетада интернет материаллардан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-матбуа акциядорлик компанияси босмаханасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темуր 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Бууортми: Г-337
ISSN 2181-6190 Обуня индекс – 193
Адади: 2 000 нуска.
Нарҳи: қилингув асосида.
Кўчаз бичими: А-3, ҳаҳам 4 босма табок.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишиға топширилди: 22:00

ISSN 2181-6190



9 772382 619005

123456